

11-11-2019

DEVELOPMENT OF RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL VIEWS IN CONSCIOUSNESS OF HUMAN FATE

Jahangir Banievich Madrimov

Researcher of the National University of Uzbekistan, Teacher of Urgench state University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Madrimov, Jahangir Banievich (2019) "DEVELOPMENT OF RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL VIEWS IN CONSCIOUSNESS OF HUMAN FATE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

DEVELOPMENT OF RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL VIEWS IN CONSCIOUSNESS OF HUMAN FATE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

ИНСОН ТАҚДИРИНИ АНГЛАШДАГИ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР РИВОЖИ

Жаҳонгир Бардиевич Мадримов
Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси
Урганч давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада тақдир ҳақидаги илк тасаввурларнинг вужудга келиши, тотемизм ва аждодларга топиниш, мифологик зоялардаги талқинлар, Қадимги Ҳинд, Хитой ва Юнон фалсафаси ва Анаксагор, Гераклит, Анаксимен, Пифагор, Платон, Арасту каби муфаккирлар талқинлари келтирилган. Шунингдек, инсон тақдирига доир Ғарб файласуфлари ва Шарқ мутафаккирларининг айрим хулосалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: инсон, худо, тақдир, руҳ, ҳаёт, тотемизм, аждодларга топиниш, мифология, Ҳинд фалсафаси, Хитой фалсафаси, Юнон фалсафаси.

РАЗВИТИЕ РЕЛИГИОЗНО-ФИЛОСОФСКИХ ВЗГЛЯДЫ В ОСОЗНАНИИ СУДЬБА ЧЕЛОВЕКА

Джахонгир Бардиевич Мадримов
Соискатель Национального университета Узбекистана
Преподаватель Ургенчского государственного университета

Аннотация: В статье представлены первые впечатления о судьбе, тотемизме и поклонении предкам, мифологические идеи, древнеиндийские, китайские и греческие философии, а также интерпретации мыслителей Анаксагор, Гераклит, Анаксимен, Пифагор, Платон, Аристотель. А также анализируются некоторые выводы западными философами и восточными мыслителями о человеческой судьбе.

Ключевые слова: человек, бог, судьба, дух, жизнь, тотемизм, поклонение предкам, мифология, индийская философия, китайская философия, греческая философия.

DEVELOPMENT OF RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL VIEWS IN CONSCIOUSNESS OF HUMAN FATE

Jahangir Banievich Madrimov
Researcher of the National University of Uzbekistan,
Teacher of Urgench state University

Abstract: The article presents the first impressions of fate, totemism and worship of ancestors, mythological ideas, ancient Indian, Chinese and Greek philosophies, as well as interpretations of thinkers Anaxagoras, Heraclitus, Anaximander, Pythagoras, Plato, Aristotle. It also analyzes some of the findings of Western philosophers and Eastern thinkers about human fate.

Keywords: man, god, fate, spirit, life, totemic, worship of ancestors, mythology, Indian philosophy, Chinese philosophy, Greek philosophy

Тақдир ҳақидаги тасаввурлардан маълум бўлишича, инсон онги, қадар тўғрисидаги тафаккури унинг дунё ҳақидаги тасаввур ва билимлари ривожланиши

билан кенгайиб бораверган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, у фалсафанинг илк босқичида, яъни мифологияда уруғчилик муносабатларининг парчаланиши билан боғлиқ тарзда кечган ривожланишнинг кейинги босқичларида пайдо бўлган. Бу нарса шу вақтгача уруғчилик турмушидан ажралган ҳолда тасаввур ҳам қилинмаган инсон индивидуал моҳиятининг ривожланиши билан боғлиқдир. Тақдирнинг шахсизлигини ва билиб бўлмаслигини йўққа чиқаришга интилиш уни жонлантиришнинг турли типларида намоён бўлади.

Тақдир ҳақидаги илк тасаввурлар тотемизм ва аждодларга топинишга бориб тақалади. Уларда инсон билан бирга туғилиб, у билан ёнма-ён яшайдиган ёвуз ва меҳрибон руҳлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топган. Мифологик тасаввурлар ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан турли халқларда тақдирни воқеа-ҳодиса сифатида жонлантириш юзага келган. Тақдир мавзуси кўп ҳолларда руҳ мавзуси билан боғланиб кетади. Айни шу маънода Ш.Б.Қаҳҳорова “Руҳ, бир томондан, Худонинг ҳукму иродаси натижаси ўлароқ пайдо бўлади, иккинчи томондан, унинг ўзи ҳам ҳукм юритиш, яъни яратиш вазифасини бажарадиган кучдир”[1.158], - деб ёзади.

Тақдир ҳақидаги тасаввурлар баъзи таълимотларда илгари ҳам яшаганлик, руҳнинг кўчиб ўтиши, яъни реинкарнация (таносух) назарияси ҳақидаги эътиқод билан чамбарчас боғланиб кетади. Унга кўра, тақдир инсоннинг илгариги хатти-ҳаракатларига, жумладан, унинг олдинги тимсолларида ҳам бажарган амалларига қарам бўлиб қолади.

Кўпгина халқларда “тақдир” тушунчаси астраль (нариги дунёга оид) рамзлар билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, тақдирни унинг ривожланиши ва амалга ошиши соҳаси бўлган вақт билан боғлаш ҳам кенг тарқалган. Тақдир ўтмиш ва келажакни боғлайди. Тақдир маросимийлик ва профанлик (ҳеч нарсадан хабари йўқ одам), мангулик ва вақтинчалик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги муҳолифлик билан ўзаро боғлангандир. Айрим маданиятларда тақдирни олдиндан маълум бўлган ўлим билан бир хил деб қараш ҳам учрайди (қадимги орийлик мифологияси, шумер-аккад анъаналари ва бошқалар). Мифологиянинг тараққий этиши ва ибтидоий фалсафий тузилмаларнинг пайдо бўлиши билан тақдирнинг дунёвий зарурат ва адолат билан бир хиллик касб этадиган универсал космик ибтидо сифатида қараш вужудга келган.

Энг қадимги юнон фалсафий таълимотларининг манбаи бўлиб инсоннинг коинот архетипи эканлиги ҳақидаги мифологик ғояси хизмат қилган эди. Унинг маъноси макрокосмос (катта дунё) ва микрокосмос (кичик дунё)нинг паралеллиги ҳақидаги, яъни Коинот (Космос) ва инсоннинг паралеллиги ҳақидаги космологик мифдан келтириб чиқарилган эди. Бу ривоятга кўра, инсоннинг коинотий архетипи жисмидан Ернинг пайдо бўлиши келиб чиқар эди. Унинг суякларидан –тошлар, қонидан–дарёлар, сочларидан–дарахтлар, нафас олишидан–шамол пайдо бўлади.

Қадимги Ҳинд, Хитой ва Юнон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационаллаша бошлади. Инсон Коинотнинг жон хоссаларига эга бўлган симболи деб қарала бошланди. Демокрит инсонни макрокосмос унинг жон хоссаларини ўзида камроқ акс эттирган аналог, яъни микрокосмос деб фарз

қилган эди[2.256]. Макро ва микрокосмос орасидаги антик аналогия турлича далилланган эди. Агар одам макрокосмосга ўхшатилса, у ҳолда инсон ҳақидаги тушунча натуралистик, табиий белгиларга эга бўлар эди (Демокрит назарида). Агар мулоҳазалар микрокосмосдан макрокосмосга йўналтирилса, у ҳолда космик жон ёки руҳ борлиги худди инсондаги қобилият сингари тушунтирилар эди (масалан, Анаксагор ва Платон шундай ўйлар эдилар).

Протагор «инсон ҳамма нарса учун меъёрдир» дер экан, одамларнинг биргаликдаги яшашларига космик қонунлар эмас, инсон табиати қонунлари асос қилиб олинади, деб уқтирган эди. Бунда оламни билиш ўз-ўзини билишга айланар эди. «Ўз – ўзингни бил!» деганда шу нарса кўзда тутилган эди. Кейинги юнон фалсафаси (масалан, Плотин ёки Порфирий) космос тўғрисидаги тасаввурнинг жон (руҳ) тушунчаси билан, руҳни эса ақл тушунчаси билан қориштириб юборди. Шунингдек, мистик таълимотларда) ва Янги давр фалсафасида (масалан, Лейбницнинг «монада космик универсумнинг инъикосидир», - деган монадологиясида) учрайди.

Инсон ҳақидаги таълимотда бошидан охиригача мавжуд бўлган мавзулардан бири руҳ ва жисм (жон ва тана)нинг муносабати масаласидир. Инсон руҳи ва жисми турли асосларининг комбинацияси инсон табиатини белгилайди. Пифагорга хос анъана руҳни демоник асосга эга, у ўлмайди ва жониворлар ҳамда ўсимликлар таналари бўйлаб сайр этиб юради, деб тасдиқлайди. Жисм руҳнинг гўркови ҳисобланади. Бироқ, пифагорчи Филолайнинг қилган фаразига кўра, инсоннинг тақводорлик ҳаётининг мақсади ифлосликлардан тозалаш (катарсис) бўлгани учун одамларда ўз айбларини ювиб, ўз руҳларини космик асл ватанига қайтариш имкони бор. Гераклит ва Анаксименда руҳнинг аҳамияти худди ҳаёт, ҳаво, нафас олиш аҳамиятини касб этиб, дунёвий руҳ тушунчаси билан мос келади.

Платоннинг фикрига кўра, руҳнинг ўлмаслиги ва бошиданок жисмий эмаслиги (танасининг йўқлиги) уни ҳис-туйғудан юқори бўлган оламга, ғоялар оламига яқинлаштиради ва бу билан, уларни эслаш, хотирлаш орқали билиш имконини яратади. Платон руҳни, пастдаги жисмга асира бўлган руҳни юксалтиради, унга нисбатан баландларга кўтаради. Руҳ (жон) фақат инсон ўлганидагина жисм зиндонидан қутилади ва унинг чегараларидан ташқарига чиқади[3.376].

Ўлим танани (жисмни) табиатнинг бир бўлагига айлантиргани сингари, руҳ ҳам идеал дунёга аралашиб кетади, турли айланишларни, метаморфозаларни бошидан кечиради ва олам бўйлаб чексиз саёҳатларга киришиб кетади. Аристотель жонни (руҳни) космологик шарҳлашдан воз кечади ва унинг уч қобилиятини санаб ўтади: озиқланиш, сезги-туйғули ва ақлий қобилиятлардир. Озиқланиш қобилияти фақат ўсимликларга, озиқланиш ва ҳис-туйғу қобилияти – жониворларга, ҳар учала ҳосияти-инсонларга хосдир. Бундан ташқари, Аристотель жисм ва руҳнинг ўзаро таъсирига эътибор берди. Улар ўзаро шакл ва материя, акт ва потенция нисбатида

бўладилар, шу билан бирга инсоннинг фақат интеллектуал (ақлий) руҳигина ўлмаслик, абадийликка эга бўлади[4.80].

Антик даврлардан бошлаб инсоннинг Ғарб моделида унинг танаси ва руҳининг дихотомик бўлинишига асосланган бўлса, унинг Шарқ модели руҳий ва жисмоний асослари орасида гармоник муносабатлар бўлишлигига асосланади. Христианлик ғояларининг бутун ўрта аср маданияти ва фалсафасида ҳал қилувчи роль ўйнагани маълум. Христиан динининг Ғарб ҳамкорлиги ҳаётига таъсири ҳозиргача ҳам сезиларли акс этади. Ўрта аср христиан антропологиясига келсак, у инсонни илоҳий ва табиийлик, табиатан дунёси орасидаги зиддиятларнинг кесишиш жойига тақаб қўйди. Христиан ақидасига кўра, инсон жисми нарса сингари «ясалган», унинг руҳи эса Худо шамоли таъсири туфайли шакланган. Шунинг учун руҳ Худо билан диалог қила олади. Ўзини Худо томонидан унинг образига мос, ўхшатиб яратилгани билганидан сўнг у Худонинг насиҳатларига амал қилиш ҳам, уларга қулоқ солмай, ўзининг Худога ўхшаш жиҳатларини йўқотиш ҳам мумкин[5.184]. Инсоннинг аввал қилган гуноҳларига иқрорлик ҳисси уларни ювишга интилиш билан қўшилиб кетади.

Христиан антропологияси жисм ва руҳ орасидаги антик қарама– қаршилиқни модификация қилди: асл ажралиш улар орасида эмас, балки «руҳга ва танага эга бўлган одамлар» орасида экан. Бу фаразга кўра, инсон жисми руҳ хоссаларига йўғрилган ва руҳланган жисмга айланиш анъанасига эгадир[6.224]. Ўзининг танасига оид хоҳишларини бартараф эта бориб, инсон ўз танасининг (жисмининг) руҳланишига эришади (антик қарашдаги руҳнинг танада тутқинлигидан қутқарилишидан факрли ўлароқ). Тўғри, Худонинг инсонга муҳаббати билан инсон кечадиган жабру – жафоларини қандай келиштириш мумкин деган масала очиқ қолади. Ахир инсонни севгувчи Оллоҳ ўзи бандасини жабру–жафоларга дучор қиладими? Христиан ақидаси бунга инсон кейинчалик ўз руҳини қутқариш учун бир кун дунёга келади, деб ўргатади. Ўзининг тортган жабру–жафолари орқали инсон ўз руҳини борлиқда ҳозир ўзи яшаётган дунёдан батамом фарқ қилувчи янги, асл дунёга тайёрлайди. Унинг кундалик ҳаёти– ўзининг жисмоний ҳузур–ҳаловати учун узлуксиз жафо чекишдир. Руҳни қутқариш йўли Оллоҳ томонидан енгиллатиб бериладиган жафолар орқали ўтади. Руҳни қутқариш йўли жафолар орқали ўтади, бу жафоларни Оллоҳ енгиллатишга интилади.

Христианлик насиҳатларига кўра, инсоннинг руҳи бошқа одам руҳига «қўринганда», яъни бошқа одам руҳига ёришиб, диалогга киришганда уни севганда, у билан дардлашганда унга симпатия ёки антипатия муносабатида инсон ҳаётининг муҳим актига айланади. Руҳ ролига бундай қараш инсонда эзгуликнинг уйғонишига сабаб бўлади[7.1072].

Стоиклар фикрича, дунё олам, барча нарсаларнинг сабаб ва оқибат кетма-кетлигидаги ягона ҳамда ўзаро алоқадорликдаги ҳодисалар уюмидир[8.128]. Айнан мана шу энг умумий ва зарурий алоқаларни улар тақдири азал, деб атайдилар. Улар қарашларида сабабий боғланишлар билан бир қаторда аниқ мақсадга йўналганлик ҳам мавжуд. Демак, тақдирдан ташқари стоиклар ҳайрия фаолиятини ҳам тан

оладилар, бу эса улар ижодида физика ва этиканинг узвий алоқадорликда эканлигидан далолат беради.

Стоикларнинг инсон концепциясида инсон ва дунё ўртасида тўла мувозанатга эришиш энг муҳим фазилат ҳисобланади. Стоикларга хос «вазминлик», саботлилик шу қадар кучлики, уни ҳеч қандай ташқи кучлар ва катаклизмлар енга олмайди. Ушбу қараш доирасида дунёга хос, индивидуал муносабат руҳи билан суғорилган шахсий, теран кечинмалар тўғрисидаги масала ўз аҳамиятини йўқотади. Бирдан-бир идеал барчанинг ҳамма билан тўла уйғунлигига эришиш, бош шарт-ataraxia-вазминликка сўзсиз риоя қилишдан иборат. Ўзига муҳаббат эмас, балки amor fati - «қисматга муҳаббат» беҳуда ташвишлар ва ғам-андуҳлардан халос этади. Бутун коинотни тақдир бошқаради.

Ирода кучи айнан тақдирдан олий ҳеч нарса йўқлигини, инсон ўзининг яшаш бурчини вазминлик, совуққонлик билан адо этиши лозимлигини тушунишда намоён бўлади. Стоикларнинг вазмин, саботли шахс идеали барча одамларни тенглаштиради, уларнинг ҳар хиллиги ва бир-бирига ўхшамаслигини унутишга мажбур қилади.

Моистчиларнинг ҳайр ва шаррни яратилиши ҳақидаги қонидаси ва унга мувофиқ равишда тақдирлаш ва жазо бериш ҳақидаги фикрлари легистлар таълимоти учун асос бўлган[9.364]. Гераклит фикрича, оламнинг ўзгариши тақдир (геймармене) ва зарурият (ананке) қонунияти асосида содир бўлади. Ривожланиш жараёни чексиздир. Объектив борлиқ субъектга қарам эмас, аммо фақат субъектгина борлиқни била олади. Гераклит барча нарсаларнинг асоси сифатида майда зарраларни эътироф этган[10.217].

Зенон алоҳида олинган шахс сифатидаги инсоннинг ахлоқий муаммоларига ўз эътиборини қаратган. Унинг тасаввуридаги инсон полис фуқароси эмас, балки коинот фуқароси бўлган эди. Яъни, инсон бахтга эришмоқ учун у олий куч томонидан тақдир қилинган воқеаларнинг қонунийлигини билмоғи зарур эди, ҳамда табиат билан мувофиқликда яшамоғи керак бўлган[11.171]. Эпикур эса ўз вазифасини одамларни ўлим ва тақдир даҳшатидан қутултиришда деб билган. Шунингдек, у Худоларнинг мавжудлигини тан олган ҳолда улар ҳақида «авом халқ тўқиб чиқарган ёлғонларга»гина қарши чиққан. Инсоннинг бахт-саодатини Эпикур «роҳат-фароғатда», яъни хотиржамликни қўлга киритишда ва вазминликда (атараксия) кўрган[12.336].

Худони шахсиз бирлик сифатида талқин этган янги афлотунчаликка қарши ўлароқ, Августин Худони ўз хоҳишига кўра дунё ва инсонни яратган илоҳий зот сифатида таърифлайди. Жумладан, у ўзининг бош асари бўлган «Илоҳий шаҳар ҳақида» китобининг бир жойида (IV, 33) у қадимги маъжусийлик дунёқарашида катта ўрин тутган кўр-кўрона омад ҳақидаги ақидадан христианлик ниҳоятда фарқ қилишини кўрсатиб ўтади. Илоҳий зот бўлган Худонинг кўпсонли сифатлари қаторида Августин унинг мутлоқ ҳамма нарсага қодирлигини асослайди. Христианлик Худоси тақдирни тўлалигича эгаллаб олиб, уни ўз иродасига бўйсундирган[13.464]. Тақдир Худонинг ёзмиши, илоҳий касб бўлиб қолди.

Худодаги зотий ибтидони кўп марталаб таъкидлаган христиан файласуфи уни ҳаммадан аввал, илоҳий ақлдаги ирода билан боғлайди. «Илоҳий ирода Худога хосдир ва у ҳар қандай яратилишни олдиндан белгилайди... Худонинг иродаси илоҳий моҳиятнинг ўзига тааллуқлидир».

Табиат ва инсонни табиатдан юқори турувчи шахсий хусусиятга эга бўлган Худодан тўла ва бевосита тобелиги тақдирга ишонишнинг энг ниҳоят чегарасигача бориб етар эди. Тақдирга ишонишга айланиб кетган яратувчилик қудрати «узлуксиз яратиш» таълимотига олиб келар эдики, унга биноан, Худо бир лаҳза ҳам дунё устидан ўрнатган ўз ҳомийлигини қўймайди. Агар Худо, деб ёзади Августин, «ўз нарсасидан ўзининг ижодкорлик кучини олиб қўйса, у нарса илгари мавжуд бўлмагандек, яратилмай қоладилар. Бу мутлоқ тақдирга ишониш инсон шахсига нисбатан ҳам қўлланиладики, унинг томонидан «Иқрорнома»да шундай таърифланган: «Мени ўз кўкраклари билан менинг онам ёки менинг энагаларим эмизишган эмас, балки сен мендек чақалоққа улар воситасида болалик ризқини табиат қонунига мувофиқ равишда бергансан, улар сенинг ёзмишинг ва Сенинг марҳаматинг борлиги туфайлидир, сенинг ўзинг барча жонзотларга уларни эҳтиёжларига кўра ризқ ато этасан».

Августин Афлотун қарашларини охиригача христианлаштириб юборди: ғоялар борлиқнинг мустақил, жисмсиз, ўзгармас турларидан яратувчи – Худонинг азалий фикрларига айлантирилдилар. Унинг ақидасича, моддийлик билан оғирлашган ва шу туфайли мавжудлигини йўқотишга яқинлашган барча нарсалар, илоҳий ғоянинг жуда ҳам номукаммал нусхаларидирлар.

Пико делла Мирандола фикрича, инсон ўзида ердаги тўрт ибтидони(анъанавий 4 унсур бўлган – тупроқ, сув, ҳаво ва олов) бирлаштирувчи кичик олам(микрокосм) бўлиб, ҳайвонийлик ва илоҳийликни ўзида мужассамлаштирган. Шунинг учун Худо томонидан яратилган инсон ҳайвон даражасига ҳам тушиб қолиши ёки бўлмаса, Худога ўхшаш моҳиятгача кўтарилиши мумкин; у ирода эркинлигига эга бўлмаганлигидан «ўзининг мужассимасози ва яратувчиси» ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда Пико делла Мирандола идеалистик илоҳий шаклда Уйғониш даври инсонпарварлигининг асосий ҳақиқатларидан бири бўлган: инсон ўз тақдирини ўзи яратиши мумкинлиги ва ўз табиатини чексиз равишда юксалтиришга қодир эканлигини баён қилади.

Исломшунос олимлар «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар:

«Қазо–Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандоқ бўлишини азаддан билишидир».

«Қадар–ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Абу Жаъфар ал-Варроқ ат-Таҳовий инсон тақдирининг фаталистик асосга эга эканлигини қуйидагича шарҳлайди: “Фақатгина Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсалар амалга ошади”. Аллоҳ таолонинг иродаси (хоҳиши) Қуръону карим ва Ҳадиси шарифда икки хил маънода ворид бўлган:

1. Аллоҳ таолонинг “қавний иродаси”; яъни қазои қадар маъносида келган ирода. Аллоҳ таоло тақдирга битиб қўйган, албатта амалга ошадиган иродаси;

2. Аллоҳ таолонинг “шаръий иродаси”; яъни Аллоҳ таоло яхши кўрадиган нарсалар. Аллоҳ таоло Ўзига суюкли бўлган амалларни бандаларидан талаб қилиши, бандалар Аллоҳ рози бўладиган ишларни амалга оширишларини хоҳлашлиги. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули тақдир мавзусида тортишган баъзи саҳобаларни бу тортишувдан қайтарганлар. Чунки баъзи эътиқод мавзуларини ақлий жиҳатдан тушунишнинг имкони йўқдир. Унга қандай хабар берилган бўлса, шу тарзда ишонмоқ лозим.

“Ваҳдат аҳли шу жумладан, Умар Ҳайём каби зотлар шариат билан қаноатланиш мумкин эмаслигини ўз даврларидаёқ тушунган бўлсалар, бугун инсониятнинг катта кўпчилигини ташкил этган бутун интеллектуал еалоҳият, эгалари ҳам буни билдилар. Шунинг учун бу ерда интеллект учун фақат икки йўл бор: бири - Худодан воз кечиш, яъни атеизм йўли, иккинчиси- трансцекцентал илмга эришиш–Ваҳдат йўли. Ҳозирги давр зиёлисида шулардан бирини танлаш эрки бор.

Биз яқин ўтмишимизда биринчи йўлдан юриб кўрдик ва бу йўлнинг кўп ғоялари, гарчи инқирозга учраган бўлса ҳам, ҳамон кўпчиликнинг онгидан ўчмай турибди. Чунки улар ўрнига келадиган арзирли ғоялар ҳали етарлича кенг ва чуқур равишда илгари сурилганича йўқ. Иккинчи йўлни эса бугун ҳали кўпчилик яхши билмайди. Ваҳоланки, айна шу йўл Нақшбандия, Яссавия, Кубровия каби таълимотлар мисолида миллий қадриятларимизнинг гултожи бўлиб келган эди.

Тақдир ва уни ўзгартириш ҳақидаги масалага эса мазкур таълимотларда, яъни эски ва янги, эзотерик ва экзотерик, фалсафий ва илмий билимларда эришган ютуқларни чуқурроқ ўрганиш ва уларнинг диалектик синтезини амалга ошириш орқали жавоб топиш мумкин. Бошқа томондан қараганда, ҳозирги давр кишисини айна шундай жавоб қаноатлантириши мумкин. Чунки, юқорида ҳам қайд этилганидек, у эндиликда кўр- кўрона эътиқод қила олмайди, балки фақат ўз ақли билан тушуниб етган нарсаларигагина ишонишга ўрганиб қолганига кўп бўлди” [14.233].

Саъдуддин Тафтазоний ўзининг «Таҳзиб ал-мантиқ ва ал-калом» асарида инсоннинг хулқ-атворидаги ирода эркинлиги масаласига кенгроқ тўхталади. Унинг фикрича, ҳар қандай олижаноблик ва ҳайрли ишлар ўз табиатига кўра Худонинг моҳиятидан келиб чиқади ва у ҳамма нарсанинг холиқи сифатида ҳайр-шарофатнинг яратганлиги сабабидан инсонларни ёмон хулқ-атвордан тийилиб туришга чорлайди. Ёмон хулқлар, гуноҳлар инсонга хос нарсалар бўлмасдан, улар фақат кишиларни синаш учун яратилгандир. Шундай қилиб, унинг фикрича, Худо– ўз бандаларига икки йўлни «таклиф» этади, яъни шарафли, ҳайрли фаолият кўрсатишни ёки номатлуб машғулотлар билан гуноҳга ботишни, гуноҳга ботиш эса жазога тортилишни келтириб чиқаради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, Худо томонидан кўпроқ инсонларга ҳайрли ишлар қилиш, ғайришаръий ишлар камроқ бўлиши таъкидланади. Қайси йўлни танлаш инсоннинг ўз иродасига боғлиқдир. Шунинг учун Худо ёмон хулқ-атворли инсонларни жазолайди. Ёмон хулқ-атворни қоралаш Худонинг иродасига қарши бориш эмас, чунки ёмонликни ер юзида мавжудлиги инсонларни покликка чорловчи синовдир [15.360].

Бедил заруриятни эътироф этади, коинотнинг қонуниятларини Худо иродасининг шуълаланиши деб билади. У шундай деб ёзди: “Одам ва ҳайвонларнинг қимирлашларидан то зарраларнинг ҳаракатигача ҳаммаси табиий ҳодисалардирки, Аллоҳ иродасининг сирларига ишорадир, буларнинг ҳеч бирининг ихтиёри у сирларнинг устини ёпа олмайди ва маҳфийлик ҳолатида тута оламайди. Бу қудрат занжирининг доимийлиги ҳар бир киши ва нарсани ўз олдиди мухтор(эрк эгаси) кўрсатади”. Бедил фикрича, ўз ҳаётини яхшилаш учун инсонда имконият мавжуддир. Бу имконият, унинг нуқтаи назарича, кишининг ҳафсаласи, ҳаракатчан бўлишида, билим ўрганиши ва меҳнат қилишидадир[16.52]. Мирза Бедил юқорида айтиб ўтилган фалсафий фикрларга асосланиб, тақдир ақидаларига қарши курашди. У тақдирга ишониш– дангасалик ва ишёқмаслик оқибатидир, деб билади.

Тақдир ҳақидаги тасаввурларнинг индивидуаллаштирилиши борасидаги йўналишларнинг энг ёрқин намунаси сифатида тақдир инсоннинг ўзига хос, индивидуал ҳаёт йўли деб қаралишини келтириб ўтиш мумкин. Тақдир ғояси фалсафанинг иррациоанл оқимларида ва ноанъанавий фалсафанинг тугаб бораётган романтизм, Ницше таълимоти, ҳаёт фалсафаси, Шпенглер фалсафаси ва бошқа оқимларида ўзгаришга учраган. Жумладан, Ф.Ницше “қисматга муҳаббат” ғоясини илгари суради[17.480]. Унинг ўтмишдоши, иррационал фалсафанинг асосчиси ҳисобланадиган А.Шопенгауэр эса ирода эркинлиги ва зарурат дилеммасини ўрганар экан, ҳеч иккиланмай, заруратни афзал билади.

Шпенглер тақдирни ўзини “англашга”, “таърифлашга”, аниқлашга имкон бермайдиган, балки “ичдан ҳис этиладиган ва бошдан кечириладиган” тушунча сифатида талқин этади. Ғарб диний фалсафаси фатализмни инкор этади. Постмодерн маданияти контекстида “идентификация инқирози” билан алоқадор бўлган “тақдир инқирози” ҳодисаси кузатилади. Шу билан бир вақтда тақдир муаммоси бўйича диалектик нуқтаи назар ҳам ривожланиб боради.

Агар, қадимги даврларда тақдирни фақат ташқи куч сифатида билишган бўлса, XIX асрда, айниқса, XX асрга келиб, инсонда тақдирга таъсир эта оладиган ички олам мавжудлиги кашф этилди. Аммо бу кашфиёт англаб етилмаганлик қиёфасида фатализмнинг янги манбаини очиб берди. Натижада, бир қатор илғор мутафаккирлар инсоннинг англаб етилганлигининг аҳамиятини ва унинг ўз тақдирни ўзи яратиши мумкинлигини исботлаб бериш учун анча заҳмат чекишларига тўғри келди. В.Франкл бу борада муҳим ишларни бажарди. “Агар биз инсонни таърифламоқчи бўлсак, - дейди у, - уни ҳар сафар ўзига берилган таърифдан озод бўладиган мавжудот сифатида таърифлашимизга тўғри келарди (биологик, социологию, психологик тип сифатида таърифланади); бошқача айтганда, у бир вақтнинг ўзида таърифларга бўйсунган ҳолда, уларни енгиб ўтиб ёки ўзгартириб, мазкур таърифларни трансцендентлайди” [18.287]. Ушбу ақлга сиғмайдиган ҳолат инсоннинг диалектик характери белгилаб беради. Кўпдан кўп имкониятлар орасида инсон танловда қочиб қутила олмайди. Инсон эркинлиги тақдир билан мустаҳкам боғланган, чунки у фақат тақдирда ва фақатгина унинг шарофати билан намоён бўлиши мумкин. Биринчи гада, бутун ўтмиш (орқага қайтариб бўлмаслиги боис) тақдирга тааллуқли бўлади. Амалдаги, ҳақиқий (амалга

оширилган, бўлган, ўтиб кетган) асл тақдирдир. Шунга қарамай, инсон ўтмишга нисбатан эркиндир, бундан келиб чиқадики, у тақдирга нисбатан ҳам эркин.

Хуллас, инсонда эркинлик бор: ўз ўтмишига ёки фаталистик муносабатда бўлиш, ёки ундан тегишли хулосалар чиқаришдир. Ўтмишни орқага қайтариб бўлмаслиги натижасида у тақдирга айлангани туфайли ҳам инсоннинг эркинлиги эълон қилинади. Тақдир эса ҳар сафар масъулиятли хатти-ҳаракатлар омили бўлиши керак. Дарҳақиқат, инсонинг ички мақсад, йўналишлари тақдир омилларига нисбатан эркиндир. Мақсад, йўллари қайта кўриб чиқиш–тарбиялаш, қайта тарбиялаш, ўз ўзини тарбиялаш, психотерапия таъсири, динга ишонтириш, тафаккурнинг ўзгариши–мана шу билан изоҳланади.

References:

1. Qahhorova SH.B. Tasavvufda takdir va tadbir muammosi // "Imom al-Buxoriy sabokdari" ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy jurnal. №2. 2008.–B. 158.
2. Lyubishev A. Linii Demokrita i Platona v istorii kulturi. SPb. Aleteya, 2000. 256 s.
3. Platon-matematik. Golos 2011. – 376 s.
4. Aristotel. Kategorii: S prilozheniem Vvedeniya Porfiriya k Kategoriyam Aristotelya. Izd.2 Knijniy dom LIBROKOM 2011. 80s.
5. Sovremennaya xristianskaya antropologiya : Opit filosofskogo kriticheskogo analiza / K.I. Nikonov .–M. : Izd-vo Moskovskogo universiteta, 1983 . – 184 s.
6. Ratsionalnost irratsionalnogo. Pod. Red. V.I.Kolosnitsina Seriya Filosofiya religii. Vip.2 Pod red. V.I.Kolosnitsina Ekaterinburg Izd.UrGU 1991. – 224 s.
7. Zenkovskiy V.V. Xristianskaya filosofiya. Sost. i otv. red. O. A. Platonov.-M.: Institut russkoy sivilizatsii 2010.–1072 s.
8. Djoxadze D.V. Dialektika ellinisticheskogo perioda: Ot stoitsizma k neoplatonizmu.–M.: LIBROKOM 2011.–128 s.
9. Drevnekitayskaya filosofiya. V dvux tomax. Pamyatniki filosofskoy misli.- M. Print, 1994.-364 s.
10. Kessidi F. Geraklit. Seriya: Antichnaya biblioteka. Issledovaniya. Izd. 3-e, isprav. i dopoln. SPb. Aleteya 2004.-217 s.
11. Tazaret Dedegkaev i aporii Zenona: biograficheskiy ocherk. SPb. Roza mira, 2005.–171 s.
12. Goncharova T.V. Epikur. Izd.2 M. KomKniga 2010. – 336 s.
13. Avgustin iz Gippona. Ispoved (noviy perevod). Paoline 2008. – 464 s.
14. Qahhorova SH.B. Tasavvufda takdir va tadbir muammosi // "Imom al-Buxoriy sabokdari" ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy jurnal. №3. 2008.– B. 233.
15. Korben Anri. Istoriya islamskoy filosofii.–M.: Progress-Traditsiya, 2010. –360 s.
16. Bedil M.A. Kulliet. CH.3 Irfon. - Texron 1376, 52-bet.
17. Nitsche F. Sobranie sochineniy. V 5 t.—M.: Azbuka, 2011.–480 s.



18. Frankl Viktor Emil. Doktor i dusha. / Per. s angl. A.A. Boreev. SPb. YUventa, 1997. - 287 s.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'rt usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Oxytropis *Rosea* o'simligining Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усудда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* L.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

05.00.00

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
 Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
 Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

ТАРИХ ФАНЛАРИ
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

07.00.00

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
 Жўраев А.Т..... 89

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

09.00.00

- 15 Ma'kurani tahlil etishning o'ziga xosligi
 Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
 Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
 Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
 Маматов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг инновацион
 (тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллиги
 Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
 Sul'tonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
 Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

10.00.00

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
 лексикаси мисолида)
 Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
 Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
 Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д.....	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-куттаб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Сухайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev N.N.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321
61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326

62	О'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Rahmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташқил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371





